# XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00

2021 йил «30» декабр VII-32-111-5-74-К/21 Нурота тумани ҳокимлиги

**Нурота туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддасига асосан, халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742 - сонли Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Нурота туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 37 268 400,0 минг. сўм, харажатлари 119 360 279,0 минг. сўм прогноз қилинганлиги ҳамда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 82 091 879,0 минг. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Нурота туманини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун туманнинг ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Нурота туман бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 6-иловага, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2022 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 126 040,0 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар

миқдорларига аниқлаштириш киритилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2022 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 391 416,0 минг. сўм миқдорда белгилансин.

10. Халқ депутатлари туман Кенгашига кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкаларига тегишлича камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни ҳудудда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Назаров), Молия бўлими (С.Хайдаров), Давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов) масъул ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан накд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

14. Туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов), Кадастр агентлиги туман бўлими (Э.Рўзимуродов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв. метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

15. Туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов), тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

16. Мажбурий ижро бюроси туман бўлими (Т.Мирзаев), туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

17. Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш бўлими (А.Шокиров) жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ

қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

18. Туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов), туман молия бўлими (С.Хайдаров) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

19. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси туман бўлими (Ш.Ялғашев) ва туман давлат солиқ испекцияси (С.Қулмонов) билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

20. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

21. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га йўналтирсин;

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга маъсул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

22. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Назаров), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, тегишли корхона ва ташкилотлар рахбарлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

23. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

24. Мазкур қарор “НУРНОМА” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

25. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

26. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодийислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Ф.Эрмаков) ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **У.Халилов**

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
1-илова

| № | Кўрсаткичлар | 2022 йил учун прогноз |
|---|---|---|
| 1. | Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм | - |
| 2. | Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда | - |
| 3. | Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда | - |
| 4. | Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда | 109 |
| 5. | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда | 110 |
| 6. | Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда | 112 |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
2-илова

**Нурота туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилги асосий прогноз кўрсаткичлари**

| **Т/Р** | **Даромад турлари** | **Миқдори (минг сўмда)** |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | | **37 268 400.0** |
| 1 | Фойда солиғи | |
| 2 | Айланмадан олинадиган солиқ | |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 6 988 133.0 |
| 4 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 414 181.0 |
| 5 | Акциз солиғи, жами | 13 828 000.0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)* | |
| | *Мобил алоқага акциз солиғи* | |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 1 518 004.0 |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 1 573 570.0 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | 3 819 562.0 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 1 925 407.0 |
| 10 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | 1 122 982.0 |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 122 255.0 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Ижара тўлови | |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | |
| 16 | Йиғимлар | |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
3-илова

**Туман бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари**

| № | Кўрсаткичлар | Миқдори (минг сўмда) |
|---|---|---|
| **Харажатлар миқдори, Жами** | | **119 360 279,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | **119 360 279,0** |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Индексация харажатлари | |
| 1. | **Халқ таълими бўлими** | **10 263 955,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 10 263 955,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 2. | **Мактабгача таълим бўлими** | **5 548 428,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 5 548 428,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 3. | **Тиббиёт бирлашмаси** | **47 293 904,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 47 293 904,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 4. | **Маданият бўлими** | **2 081 349,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 2 081 349,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 5. | **Жисмоний тарбиява спорт бўлими** | **3 282 899,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 3 282 899,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| 6. | **Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун** | **615 009,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 615 009,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Ободонлаштириш бошқармаси** | **9 870 567,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 9 870 567,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **8.** | **Қишлоқ хўжалиги бўлими** | **777 424,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 777 424,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **9.** | **Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши** | **521 391,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 521 391,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **10.** | **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими** | **1 048 973,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 1 048 973,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **11.** | **Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими** | **1 003 552,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 1 003 552,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **12.** | **Молия бўлими** | **934 777,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 934 777,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **13.** | **Болали оилаларга ва камтаъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар** | **22 143 411,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 22 143 411,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **14.** | **Ҳокимият** | **3 251 821,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 3 251 821,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **15.** | **Ҳалқ депутатлари Нурота туман Кенгаши котибияти** | **77 380,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 77 380,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **16.** | **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими** | **446 115,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 446 115,0 |

| | | |
|---|---|---|
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **17.** | **Халқ қабулхонаси** | **85 817,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 85 817,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **18.** | **Ижтимоий кўникма маркази** | **54 831,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 54 831,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **19.** | **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш** | **3 302 434,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 3 302 434,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **20.** | **Заҳира жамғармаси** | **1 126 040,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 1 126 040,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **21.** | **Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** | **5 630 202,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| | Жорий харажатлар | 5 630 202,0 |
| | Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-К/21-сон
қарорига
4-илова

**Умумдавлат солиқларидан Нурота туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри**

| Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ |
|---|---|---|---|---|
| 100 | 100 | 30 | 100 | 100 |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
5-илова

**2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози**

| **Ҳудудноми** | **Даромад (минг сўмда)** | **Харажат (минг сўмда)** |
|---|---|---|
| Нурота тумани | 37 268 400,0 | 119 360 279,0 |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
6-илова

2022 йил учун туман маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

**Сўмда**

| Т/Р | Туман (шаҳар) худудлари *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)* | 1 кв.метр учун базавий солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,7-3,0)*** | | Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1кв. метр учун ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | камайтирувчи | оширувчи | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Сайидато МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Оқмачит МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Истиқбол МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Турко МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | А.Навоий МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Шаҳристон МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Миришкор МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Нуробод МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Э.Судур МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Бўдиқ МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Ғ.Ғулом МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Ибн Сино МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Нур фахр МФй | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | Мустақиллик МФЙ | 260 | 0,0 | 1,0 | 260 |
| | А.Темур МФЙ | 260 | 0,8 | 0,0 | 208 |
| 1 | Янги Ҳаёт МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Чуя МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Қадоқ МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Бўстон МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Жарма МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Сувлиқ МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Истиқлол МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Янгитурмуш МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Қизилча МФЙ | 260 | 0,8 | 0,0 | 208 |
| | Тинчлик МФЙ | 260 | 0,8 | 0,0 | 208 |
| | Деҳибаланд МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Орасой МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Авазсой МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Сентоб МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Темирқовуқ МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |
| | Каттасой МФЙ | 260 | 0,7 | 0,0 | 182 |

Халқ депутатлари Нурота
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VII-32-111-5-74-K/21-сон
қарорига
7-илова

**2022 йил учун туман маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади юридик шахслардан олинадиган ер солиғи**

**Сўмда**

| Т/Р | Туман ҳудуди *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)* | 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,7-3,0)*** | | Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1 кв. метр учун ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | камайтирувчи | оширувчи | |
| 1 | Алишер Навоий | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Будиқ | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Ғ.Ғулом | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Ибн-Сино | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Истиқбол | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Миришкор | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Нуробод | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Мустақиллик | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | НурФахр | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Окмачит | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Сайдато | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Шахристон | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Турко | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | Эшон Судур | 29 000 000 | 0,0 | 1,0 | 29 000 000 |
| | А.Темур | 29 000 000 | 0,8 | 0,0 | 23 200 000 |
| | Авассой | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Деҳибаланд | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Жарма | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Каттасой | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Истиқлол | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Қизилча | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Тинчлик | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Орасой | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Сентоб | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Сувлиқ | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Темирқовуқ | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Чуя | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Янги Ҳаёт | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Янгитурмуш | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Қадоқ | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |
| | Бўстон | 29 000 000 | 0,7 | 0,0 | 20 300 000 |